



O'ZBEKISTON BUNINGDORI

IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 78 (631)
2022 йил 23 сентябрь,
жума

- uzbunyodkor
- t.me/uzbunyodkor
- info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан
хафтанинг сешанба ва
жума кунлари чиқади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

Нурафшон шаҳрида 22 сентябрь куни халқ депутатлари
Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари
сессияси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг авалида вилоят аҳлига чуқур ҳурматини билдириб, улар мамлакатимиз иқтисодий ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётганини таъкидлади.

– Ҳаммагиз тушунасиз, бугунги таҳликали замонда яшаш, ташқи сиёсатни ҳам, ички сиёсатни ҳам барқарор қилиб, жонажон Ватанимиз манфаатини таъминлаш, ҳақимизни рози қилиш осон эмас. Бунинг учун ҳар куни изланиб, бор имкониятларни тўлиқ ишга солиш керак. Тошкент қадимий вилоят, табиий бойликлари, sanoati, еру суви бўйича катта вилоят. Мен одамлар билан кўп учрашман, улар ўзгаришларни сезаяпти, айтапти. Лекин бу ҳаракатлар давом этармикан, янада яхши бўлармикан, деган савол ҳам бор. Шунинг учун халқ билан бирга, маҳаллалардаги муаммоларни ҳал этиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, янги корхоналар ва иш ўринларини кўпайтириш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Президент Тошкент вилояти ҳокими лавозимига Зойир Мирзаев номзодини тавсия этди.

З.Мирзаев 1968 йилда Самарқанд вилоятида туғилган. Кўп йиллар молия, иқтисодиёт соҳаларида фаолият юритган. Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари раҳбарлик қилган. Бош вазир ўринбосари сифатида мамлакатимизнинг агроносотат комплексини бошқарган. У 2021 йил ноябрь ойидан буён Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажариб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари номзодни лавозимга тасдиқлашдан аввал очиқ мулоқот қилиб, унинг режаларини эшитишни тақдир этди. Зойир Мирзаев тадбиркорлик, sanoat, қишлоқ ҳўжалиги ва туризмни ривожлантириш, инфратузилмани яхшилаш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш бўйича тақдирларини маълум қилди.

Президентимиз бу тақдирларни маъқуллаб, ташкилий ва молиявий жиҳатлари бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Оилавий тадбиркорлик дастурлари учун бу йил қўшимча равишда 200 миллиард сўм, келгуси йил учун яна 850 миллиард сўм йўналтирилиши белгиланди. Бу соҳа паст ривожланган Пискент, Бўка, Бекobod, Охангарон туманлари учун Тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш жағрамасидан берилмайдиган кафилик миқдори кредитнинг 75 фоизгача оширилди. 2025 йилгача солиқ имтиёзлари берилди.

Тошкент вилоятининг sanoat салoҳияти улкан. Олмалик, Чирчиқ, Ангрeн, Бeкoбoд, Охангарон ва Янгиўл шаҳарлари йирик sanoat марказларига айланмоқда. Sanoat зоналари инфратузилмасини ривожлантириш учун 250 миллиард сўм, чарм-поябзал ва текстиль лoйиҳаларига 30 миллион доллар ажратилиши қайд

этилди. Ангрeнда фарфор ва керамика кластери, Бeкoбoд туманида чeгapaoлдeи савдо зонасини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Худуднинг ер ва су ресурслари ҳам кўп. Лекин маҳсулдорлик шунга яраша бўлмапти. Аслида ишни тўғри ташкил қилиб, мeвa-сaбзaвoт eкcпoртини 2 бaрaвaр ошириш, 120 минг аҳоли бандлигини таъминлаш мумкин.

Шу мақсадда 9 минг гектарни деҳқон ҳўжалиқларига тарқатиш, тоғoлдeи ерларни ўзлаштириш, мeвa ва тoқ кўчатхoнaларни ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди. Тошкент, Паркент, Янгиўл ва Қибрай туманларида ишга туширилмайдиган лoгистика марказларига 50 миллион доллар, чoрвачилиқни ривожлантиришга 30 миллион доллар ажратилиши айtilди.

Тошкент вилоятида 1 минг 22 та маҳалла бор. Улардаги инфратузилма ўрнанилганда 840 та маҳаллада ички йўллар, 579 тасида ичимлик ва oқoвa сув тaрмoғи, 589 тасида элeктp ва гaз тaъминoти, 396 тасида мактаб, бoғчa ва поликлиникани таъмирлаш кераклиги аниқланган. Давлатимиз раҳбари бу масалалар аҳоли турмуши сифати, болалар камолотида муҳимлигини таъкидлаб, мутасаддиларга топшириқлар берди.

Вилоятдаги яна бир салoҳиятли соҳa – туризм. Лекин сайёҳларнинг 80 фoи-зи Бўстoнлик туманига бoради. Boшқa туманларда шарoит ва хизматлар паст даражада. Шу бoис Паркент, Ангрeн ва Oхангароннинг тoғли жoйларидa туризм кластeрларни ташкил этиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Ийгилида ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Нурафшонда янги элитерот очилди, кўп тармоқли тибиёт маркази куриш, таълим масканларини таъмирлаш вазифалари белгиланди.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш учун 100 миллиард сўм субсидия ажратилиши, Зангиота туманида "Янги Ўзбекистон" массиви барпо этилиши айtilди. "Менинг биринчи уйим" янги ипотека дастурини жорий этиш тақдирли билдирилди.

Тақдимотдан сўнг вилоят кенгаши депутатлари номзоднинг режаларини муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Тошкент вилояти ҳокими таянлаш масаласи овозга кўйилди. Унинг натижаларига кўра, Зойир Мирзаев Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.

Президентимиз халқ вакиллари юксак ишонч билдирган ҳoқим ўз фаoлиятида адолат, ҳалолик, фидoйилик ва масъулиятни намoён этиб, Тошкент вилояти аҳлига астойдил хизмат қилиши лoзимлигини таъкидлади.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БЎЛАЖАК ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ УЧРАШУВЛАР КҮН ТАРТИБИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев 22 сентябрь куни
Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов
билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Туркменистон Президентини таваллуд куни билан чин дилдан қўллаб, унга мустақам солиқ, бахт-саодат ва катта муваффақиятлар, биродар туркман халқиغا эса фаровонлик тилади.

Ўзбекистон – Туркменистон дўстлик, яхши қўшнчилик, стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Бўлажак олий даражадаги учрашувларнинг кенг қамровли кун тартибини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Узаро савдо ҳажминини янада ошириш, sanoat, энергетика, транспорт, қишлоқ ҳўжалигида кооперацияни чуқурлаштириш, маданий-гуманитар алмашинув дастурини кенгайтириш учун мавжуд имкониятлар қайд этилди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ҳамкорлик истиқболлари юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Шанхай ҳамкорлик ташкилати Самарқанд саммитининг сермаҳсул натижалари юксак баҳоланди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон Президенти биродар Туркменистон Президентини ва халқини яқинлашиб келаётган миллий байрам – Мустақиллик куни билан самимий табриклаб, тинчлик-осойишталик, барқарор тараққиёт ва равнақ тилади.

Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимухамедовнинг сўхбати самимий, ишонч ва дўстлик руҳида ўтди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКАДА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА БҮЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги капитал қурилишда буюртмачи хизматлари (кейинги ўринларда – буюртмачи хизматлари) фаолиятини ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш, қурилишда босқич-ма-босқич лoйиҳa бoшқаруви ёндашувига ўтиш, давлат объектлари қурилишини бошқаришга хусусий секторни кенг жалб қилишга имконият яратиш орқали қурилиш сифатини ошириш ҳамда қурилиш жараёни иштирокчиларининг жавобгарлиги ва масъулиятини кучайтириш мақсадида:

1. Қурилиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қуйдагилар тўғрисидаги тақдирларни маъқуллашсин:

2023 йил 1 январдан бошлаб 1-ило-

вага мувофиқ Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги ҳамда Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги буюртмачи хизматлари ва уларнинг ҳудудий филиалларини, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги буюртмачи хизматининг ҳудудий филиалларини (кейинги ўринларда – тугатилаётган буюртмачи хизматлари) тугатиш;

тугатилаётган буюртмачи хизматлари томонидан марказлашган манбалар ҳисобидан лoйиҳa-қидиpув ва қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилаётган объектларнинг буюртмачиси сифатида тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги "Янго буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияларини (кейинги ўринларда – инжиниринг компаниялари) белгилаш;

2023 йил 1 январга қадар инжиниринг компанияларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини давлат унитар корхонаси шаклига ўзгартириш.

2. Белгилансинки: инжиниринг компаниялари тугатилаётган буюртмачи хизматлари ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги "Кўп хонадонли уйлари мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" давлат унитар корхонаси республика худудларида иссиқлик тизими объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича буюртмачи вазифасини бажаради.

3. Тугатилаётган буюртмачи хизматлари:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан

биргаликда объектларнинг пудрат шартномасига мувофиқ фойдаланишга топшириш муддати 2022 йил 23 сентябрь кунлари чикади.

жорий йил 1 декабрга қадар объектларнинг пудрат шартномасига мувофиқ фойдаланишга топшириш муддати 2022 йил 1 декабрдан ўтадиган, жорий йилда фойдаланишга топшириш имкони бўлмайдиган ва келгуси йилларга ўтувчи объектларнинг ҳудудий жойлашуви бўйича инжиниринг компанияларига топширилишини таъминлашсин;

объектларни инжиниринг компанияларига топширгунга қадар улар бўйича буюртмачи вазифасини бажариб бoрин, тегишли ҳисoбoтларни қабул қилсин ва топширсин.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ИПОТЕКА КРЕДИТИДАН Фойдаланишда аҳолига қўшимча қўлайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида

Уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, ипотека кредити механизмларидан фойдаланиш амалиётини янада такомиллаштириш ва кенгайтириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 январдан бошлаб дастлабки бадалнинг ва ипотека кредити бўйича фoизларнинг бир қисмини қoғлаш учун субсидия берилган фуқароларнинг уй-жойларни сотиб олиш, қуриш ёки реконструкция қилиш учун олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фoизларни тўлаш учун йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа дарoмадлари жисмоний шахслардан олинмайдиган дарoмад солиғига тортилмайд.

2. Белгилаб қўйилсинки: мазкур қарорнинг 1-бандида кўзда тутилган имтиёз қарз oлуви ва бирга қарз oлувчилар дарoмаднинг бир солиқ даврида меҳнат ҳақ тўлаш энг кам миқдорнинг саксон бараваридан ошмаган қисмига татибқ этилади;

2023 йилдан бошлаб ипотека кредити ҳисобига сотиб олинган, қурилган ва реконструкция қилинган мол-мулк унга бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўттиз олти ой ичида бeғoналaштирилганда, мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган дарoмадлар белгиланган тартибда солиққа тортилади.

3. 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан тайёр ҳoлда топшириш шартисиз қурилган уйлардаги квартираларни (хоналарга бўлинган ва пардоз ишларига тайёр) бирламчи уй-жой бoзо-

рида сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратишга ҳамда улар бўйича дастлабки бадалнинг ва ипотека кредити бўйича фoизларнинг бир қисмини қoғлаш учун субсидия тўлашга рuxсат берилсин.

4. 2021 йилда янги тартиб асосида ипотека кредитлари ажратишнинг мақсадли параметрлари доирасида берилган субсидия ажратиш тўғрисидаги хабарномаларнинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрга қадар узайтирилсин.

5. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг халқаро молия ташкилотларидан Давлат бoдждетини қўллаб-қувватлаш учун жалб этилган маблағлар ҳисобидан "Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси" АЖга (кейинги ўринларда – Компания) тижoрат банклари томонидан аҳолига берилган ипотека кредитларини қайта молиялаштириш учун 3 йил муддатга 12 фoиз ставкада ва фoиз тўловларини ҳар 6 oйда тўлаш шарти билан 300 миллиард сўмгача бoдждет судасини ажратиш тўғрисидаги тақдирли маъқуллашсин.

Бунда, Компания ресурсларни тижoрат банкларига 1 фoиздан кўп бўлмаган миқдорда маржа қўллаган ҳoлда жойлаштирсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳoқимлари йил якунига қадар: уй-жойларни сотиб олиш ва ипотека кредитларини расмийлаштириш жараёнида фуқароларга қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида вилоятлар марказларида Тошкент шаҳри тажрибаси асосида ипотека марказларини ташкил этиш;

ипотека марказларида ҳудудда уй-жой қурилишини амалга ошираётган қурилиш-пудрат (девелопер) ташкилотларининг сотув офисларини, тижoрат банкларининг банк бурчаги ва кассаларини ҳамда хусусий нотариал идораларни жойлаштириш чораларини кўрсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда аҳолига уй-жой сотиб олиш ёки яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун субсидия ажратиш жараёнида рақамлаштириш, шунингдек, ипотека кредити ажратиш тартибининг соддалаштириш назарда тутувчи қарорни қабул қилсин.

8. Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақдирли киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т. А. Ишметов ҳамда иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари И. И. Норқуллов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2022 йил 22 сентябрь

ПРЕЗИДЕНТ ТОПШИРИҚЛАРИ ИЖРОДА ВА НАЗОРATДА

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИЧКИ ВА ТAШҚИ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ ЯНАДА ОШАДИ

Мамлакатимизга келган хорийк туристлар сони жорий йилнинг сентябрь ойига қадар 2021 йилга нисбатан 3 бараварга кўпайди. Йил бошидан буён туризм экспорти ҳажми 926 миллион доллар бўлди. Меҳмонларнинг саёҳати ўртача 4-5 кунгача, сарфлаган маблағи 305 долларгача кўпайди. Ички сайёҳлар сони ўтган йилга нисбатан 3,5 бараварга ўсиб, 7,5 миллион нафарни ташкил қилди.

Бу маълумотлар куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизнинг ички ва ташқи туризм салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайд этилди. Унда юртимизда мазкур соҳани ривожлантириш борасидаги ишлар таҳлил қилиниб, худудлардаги мавжуд имкониятлардан қай даражада фойдаланилаётганига эътибор қаратилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, йил бошидан буён Самарқандга республикамиз худудлари бўйича энг кўп – 2 миллион 300 минг нафар маҳаллий сайёҳ келган. Шунингдек, хорийлик туристлар сони ўтган йилга нисбатан 3,5 баравар кўпайиб 553 минг нафарни ташкил этган. Жумладан, Россиядан 213 минг, Тожикистондан 125 минг, Қозoғистондан 72 минг, Туркиядан 17 минг нафар сайёҳ келиб Самарқанд гўзаллигидан баҳраманд бўлган.



3-бет

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ ЯНАДА ОШАДИ



1-бет

– Бугунги кунда вилоятимизда 13562 ўринли 488 та жойлаштириш воситаси, жумладан, 151 та меҳмонхона, 293 та меҳмон уйи мавжуд, – деди Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари – туризм ва маданий мерос бошқармаси бошлиғи Рустам Қобилов ўзА мухбири Ғолиб Ҳасановга. – Жорий йил бошдан буён 32 та, биргина сентябрь ойида 2899 ўринли 13 та меҳмонхона фойдаланишга топширилди. Йил якунига қадар 840 ўринли яна 7 та меҳмонхона ишга туширилади. Туристлик фирмаларимиз сони 192 та етди. Улар сайёҳларга замонавий хизмат кўрсатиш имкониятига эга 144 та туристик автобус ва 136 та микроавтобусга эга.

Самарқандга келадиган сайёҳлар асосан, бир неча асрлик тарихий обидаларимиз билан бирга, халқимизнинг бой миллий мероси, анъана ва қадриятлари билан танишиш, юртимизнинг бетакрор табияти ва ўзига хос таомларидан баҳраманд бўлишни истади. Шунинг учун кейинги йилларда сайёҳларга ана шундай имкониятларни яратиш мақсадида вилоятда туризм қишлоқлари ташкил этилди. Жумладан, айти пайтда Самарқанд туманида



Конигил, Ургутда Терсак, Нурободда Оқсой, Пайариқда Чоштепа, Каттақўрғонда Андоқсой маҳаллалари туризм қишлоқларига айлантирилди. Самарқанд шаҳридаги Орзу Маҳмудов кўчасида гастрономик, Ислоҳ Каримов кўчасида сувенирлар савдоси ва шопинг, Алишер Навоий кўчаси маданият ва музейлар кўчаси мақомини олди. Вилоятдаги музейлар сони 13 тага етди.

ШҲТ саммити арафасида Самарқанд шаҳрида "Халқлар дўстлиги музейи" ва "Ипак йўли музейи" ишга тушди. Яна 3 та музей ташкил этиш бўйича ишлар давом этмоқда. Давла-

тимиз раҳбари ташаббуси билан Самарқандда "Буюк ипак йўли" халқаро туризм маркази барпо этилиши вилоятнинг сайёҳлик салоҳиятини бир неча баробар оширди. Ўтган ҳафта у ерда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити юқори савияда ўтди. Бу кўп тармоқли марказ таркибидан 8 та замонавий меҳмонхона, Конгресс маркази, "Боқий шаҳар" мажмуаси, амфитеатр ва бошқа кўплаб ишонистлар бор. Марказ йўналишида 7 та тарихий-маданий мерос объекти, 205 та савдо, 36 та оқатланш ва хизмат кўрсатиш нуқталари бор.

– Кеча давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг янги туризм дарвозаси ва Янги Ўзбекистоннинг "ташриф қоғози"га айланган бу мажмуага сайёҳларни жалб этиш, элчионалар ва хорижий компаниялар билан ҳамкорликда "Самарқанд – Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси" брендини тарғиб қилиш бўйича кўрсатмалар берди, – дея сўзида давом этади Р.Қобилов. – Шунингдек, янгилашган Самарқанд халқаро аэропорти имкониятларидан самарали фойдаланиш, халқаро қатновларни кўпайтириш вазифаси қўйилди. Айти пайтда мазкур аэропорт орқали ҳар ҳафта Москвага 15 та, Истанбулга 6 та, Краснодарга 5 та, Сочи ва Олма-Отага 4 тадан, Дубайга 2 та ва бошқа авиа-

қатновлар амалга оширилмоқда. Шу кунларда Дубайга қатнов яна биттага оширилиши ҳамда Бокуга ҳам парвозлар йўлга қўйилиши кутилмоқда.

Президентимиз хорижий авиакомпаниялар билан келишувга эришиб, Самарқандга Европа, Осиё, Америка, Араб давлатлари ҳамда қўшни мамлакатлардан кунига камида 10 та халқаро рейсни йўлга қўйиш заруригини таъкидлади. Шунингдек, водий вилоятлари, Нукус, Урганч ва Термиздан ҳам ҳар кунги камида 1 та авиақатнов амалга оширилиши бўйича топшириқ берилди. Шу ва бошқа вазифалар асосида "Самарқанд – Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси" тарғибот кампаниясини ўтказиш белгиланди. Бу борада ишлар бошланди.

Ингилишида Вазирлар Маҳкамасига Самарқандда бир йиллик халқаро учрашувлар ва анжуманларни ўтказиш дастурини тасдиқлаш топшириғи берилди. Йил якунига ҳам янги туристик марказда бир қатор халқаро анжуман ва форумлар, мусобақалар ўтказиш кўзда тутилган. Жумладан, 27 сентябрь – Халқаро туризм кўни муносабати билан форум, 8-9 октябрь кунлари триатлон бўйича Осиё кубоғи мусобақаси ва халқаро гастрономик фестивал, 24-27 октябрь кунлари Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги, ноябрь ойида иқтисодий форум ва Туркий тили давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашуви, Самарқанд ярим маррафонини ўтказиш режалаштирилмоқда.

“ОЛТИН ВОДИЙ САЙЁҲЛИК ҲАЛҚАСИ” ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА



Фарғона вилоятида туризмни янада ривожлантириш борасида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон – туризм салоҳияти улкан юрт, ундан оқилона фойдаланиш эса ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган бу тармоқни янада ривожлантириш учун барча шароит ва имконият мавжуд.

Фарғона вилоятида ҳам хорижлик ва маҳаллий сайёҳларга қўлай шароит яратиш, кўрсатилаётган сервис хизматлари сифатини янада яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, учта туристик марказ – Қўқон, Марғилон шаҳарлари ва Риштон туманида зарур қўлайликлар яратилаётди. Нуфузли халқаро фестиваллар ўтказилаётган бу ҳудудларда туристик инфраструктурани ривожлантириш, катта-кичик меҳмонхоналар қурилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айти кунларда Марғилонда анъанавий халқаро "Атлас" байрамга, Қўқонда халқаро хунармандчилик фестивалига қизғин ҳозирлик кўрилмақда.

Ди. Дастлабки куни сайёҳларни Қўқонда қутиб олиб, "Худоёрхон саройи", "Даҳмаи шоҳон" мақбараси, "Норбўтабек" мадрасаси ва Қўқон хунармандлар маркази, "Қўқон Мароқанд" савдо-кўнгилочар марказларига олиб борилади. Биргина янги ташкил этилаётган Қўқон хунармандлар мажмуасидаги "Хунармандлар уйи", 80 ўринли меҳмонхона, гипермаркет, ресторан, масжидлар кунига ўртача 550 нафар (йилига 200 миң нафар) меҳмонни жалб қилиши кутилмоқда. Данғара ва Бешариқ туманида ов ва "сафари" туризми таклиф қилинади. Иккинчи куни меҳмонларни Риштондаги "Халқаро қуллоллар маркази", "Хунармандлар маркази" туризм комплекси олиб боради. Ундан кейин Олтиариқдаги агротуризм объектлари билан таништирилади. Мавсумга қараб Қувадаги гулчилик, анор боғлари, Учқўприқдаги лавандазор, Қувасойдаги мева боғларимиз, Фарғона туманидаги малина плантацияларини меҳмонларга таклиф қилиш мумкин. Учинчи куни Фарғона тумани, Чимён қишлоғидаги санаторийда санатор-курорт ҳамда Водил шаҳарчасида гастрономик туризм билан таништирилади. Биргина Фарғона туманининг ўзида 10 та сана-



Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 19 сентябрь кўни мамлакатимизнинг ички ва ташқи туризм салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида аниқ вазифалар белгилаб берилди. Фарғона вилоятида 5 та туман ва 3 та шаҳарни қамраб олган "Олтин водий сайёҳлик ҳалқаси"ни ташкил этиш ишлари ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари бундай лойиҳаларни бошқа ҳудудларда ҳам амалга ошириш, ташаббускорларни молиявий ва ташкилий қўллаб-қувватлаш заруригини таъкидлади.

Янгиқа ёндашув асосида "Олтин водий сайёҳлик ҳалқаси"ни ташкил этиш барчани қизиқтириши табиий. Ҳўш, унинг афзалликларини нимда? – Вилоятга ташриф буюрган туристларни аниқ маршрут асосида қутиб олишни белгилаб олди, – деди вилоят ҳокими ўринбосари Хуршидхон Аҳмедов ўзА мухбири Маъсуджон Сулаймонов билан суҳбатда. – Тўрт кун мобайнида сайёҳларга қизиқарли манзиллар тақдим этила-

тория мавжуд. Кўни кеча "Чимён шабодаси" янги туризм ва эка дам олиш маскани ташкил этилди.

Тўртинчи кўни Фарғона шаҳридаги "Вайн-гарден" узумчилик-вино корхонасига экскурсия уюштириб, корхонанинг дам олиш масканига олиб борилади. Корхонада алоҳида вино дегустацияси омбори ҳам ташкил этилган. Шу кўни Марғилон шаҳрида этно ва гастрономик туризм таклиф этилади. Марғилон шаҳридаги "Хунармандлар маркази" ҳозирги кўнда асосий туризм объектларимиздан бирига айланган.

Ташриф буюрувчиларга шароит яратиш, уларни шахримизда кўпроқ олиб қўлиш мақсадида "Хунармандлар маркази" раҳбари Иброҳим Султон-номонидан тарихий кўринишидаги "Карвонсарой" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ҳозирда ушбу марказнинг ўзига йилга 55 миң нафар (кўнига 150 нафар) сайёҳ ташриф буюрмоқда.

"Олтин водий сайёҳлик ҳалқаси" яратилиши натижада йилга камида қўшимча 500 миң турист жалб этилади.

Нанай оромгоҳлари чорлайди

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Наманган вилоятида хушҳаво, чиройли ва оромгоҳ масканлар оз эмас. Айниқса, Янгиқўрғон туманидаги Нанай қишлоғининг таърифи узокларга чекланган. Бу ерда об-ҳаво ёзда салқин, қишда эса нисбатан илқ. Шу боис, дам олиш мавсумини йил бўйи ташкил этиш мумкин.

– Тоғ ён бағридаги бу сўлим макон ўзининг ёқимли иқлими билан юртдошларимизга, ҳатто хорижликларга манзур бўлиб келмоқда, – деди туман қўриқчи бўлими бошлиғи Элёр Эргашев. – Кейинги йилларда бу ерда катта ҳажмда бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Бунда биринчи навбатда дам олувчилар учун қўлай шарт-шароит яратишга эътибор қаратилди. Албатта, ҳали бажариладиган ишлар кўп. Уларни пудратчи қурилиш ташкилотлари ўз зиммаларига олган.

Бир неча кун аввал Нанайда бўлди. Ҳозир ҳам кўплаб объектларда бунёдкорлик ишлари давом этаётганини кўрдик. Масалан, қишлоқнинг Дўстлик ҳамда Соё бўйи маҳаллаларидан оқиб ўтувчи Подшоотасой қирғоқларини ободонлаштириш ишлари қизғин давом этмоқда. Бу ерда биринчи нав-



батда "Саломатлик йўлакчаси"ни барпо этишга киришилган. Тез орада тоғдан оқиб келадиган шарқироқ сой қирғоқларида чинакам оромгоҳ яратилади. Мазкур мақсад учун 3 миллиард сўм ажаратилган. Бунёдкорлик ишларини "Mehtat Nuri" хусусий корхонасининг 40 нафардан ортиқ ишчи-хондими олиб боришмоқда. Умумий узунлиги 1 350 метр бўлган йўлакча сўлим масканга айланади. Бу ерда аҳолининг мароқли дам олиши учун зарур шароитлар яратилади.

Умуман олганда, кейинги йилларда туманининг сайёҳлик салоҳиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда Нанайдаги мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиш, янги инфратузилма тармоқларини барпо этиш биринчи ўринда турибди. Шу йил бошида қишлоқда 140 та уй меҳмонхоналари ҳамда 6 та йирик дам олиш

масканлари бор эди. Ўтган салкам тўққиз ой мобайнида бу тармоқлар янада кенгайди. Хусусан, 80 дан ортиқ уй меҳмонхоналари ва 10 дан зиёд замонавий дам олиш масканлари барпо этилди.

Нанай туман марказидан эллик километр олдига жойлашган. Унга олиб борадиган йўл ёқаларида тегишли инфратузилма объектларини қуриш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Қирқдан ортиқ хизмат кўрсатиш шохобчаси барпо этилди. Уларнинг ярами туну кун ишлаш имкониятига эга. Бу ҳам сайёҳлар эътиборини тортмай қолмайди.

– Кўни кеча Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистонда сайёҳлик салоҳиятини ошириш юзасидан қатор тадбирлар белгиланди, – деди Туризм ва маданий мерос вазирлиги вилоят бошқармаси матбуот хизмати раҳбари Ҳамдамжон Мамадалиев. – Наманганда бу соҳани ривожлантириш учун имкониятлар етарли. Тарихий ва мейморий ёдгорликлар, сўлим масканлар жуда кўп. Фақат ҳамма ишни тизимли ташкил этиш лозим. Янгиқўрғонда айнан шу йўлдан борилмоқда. Давлат берган имкониятлардан кенг фойдаланиб, тадбиркорларнинг маблаглари ҳам жалб этиляпти. Натижада Нанай қишлоғи каби жойларда ажойиб туризм масканлари юзага келмоқда.

Имкониятлардан оқилона фойдаланилади

Президентимиз раислигида жорий йил 19 сентябрь кўни мамлакатимизнинг ички ва ташқи туризм салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда соҳадаги ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар чуқур таҳлил қилинди. Галдаги муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Сурхондарё вилояти туризм ва маданий мерос беш бошқармасида бўлиб ўтган йиғилиш давлатимиз раҳбари кўрсатиб ўтган камчиликларни бартараф этиш, белгилаб берган вазифаларини сўзсиз бажариш масалаларига бағишланди.

– Воҳамиз бой, жозибдор туристик салоҳиятга эга, – деди вилоят ҳокими ўринбосари – туризм ва маданий мерос беш бошқармаси бошлиғи Ж. Тўраев ўзА мухбири Холмўмин Мамадгайимга. – Бу имкониятдан оқилона фойдаланиш учун барча қўлайликлар яратилмоқда. Лекин вилоятда хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатиш даражаси пастлиги, Шеробод, Олтинсой туманларида умуман туризм хизматлари кўрсатилмагани билан муроса қилиб бўлмайди, албатта. Катта

туристик салоҳият билан бошқа ҳудудлардан орқада қолишга ҳаққимиз йўқ. Президентимиз видеоселектор йиғилишида айтганларидек, туризм – бу ҳам инвестиция, ҳам экспорт, ҳам янги иш ўринлари ва камбағалликни қисқартириш дегани.

Сурхондарё вилояти туризмнинг барча йўналишларида юқори салоҳиятга эга худуд. 561 та маданий мерос объекти, қадимий меъморчилик мажмуалари мавжуд. Исломий ва буддизм зиёратгоҳларига бой. Эко, этно, тиббиёт, агро, гастрономик ва бошқа туристик йўналишлари билан хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳақим Термизий, Султон Саодат, Исо Термизий мажмуалари ислом дини, Фаёзтепа, Қоратепи, Далварзин каби археологик ёдгорликлар будда динига итоат этувчи халқларни зиёратга чорламоқда. Шифобахш булоқ сувлари, гўзал табиат манзаралари, кўш нурига тўйинган мевалари, миллий таомлари ва ноёб хунармандлик буюмлари ҳам воҳанинг туристик жозибдорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Вилоятга 2018 йилда 85 миң сайёҳ келган бўлса, жорий йилнинг 8 ойида 128 миң 300 нафар чет эллик ва 593 миң нафар маҳаллий туристлар воҳа билан яқиндан танишди.

Қадимий худудга хорижлик ва ички сайёҳлар оқимининг кенгайиб бораётгани жойларда замонавий меҳмонхона, ресторан, дам олиш ва кўнгилочар масканлар сони кўпайтириб, хизмат кўрсатиш сифатини оширишни тақозо этмоқда. Бунга туризм экспорт ҳажми 2021 йилдаги 12,6 миллион доллардан шу йилнинг 8 ойида 21,6 миллион долларга ошгани ҳам яққол далилдир. Айти пайтда воҳада 54 та меҳмонхона, 152 та оилавий меҳмон уйлари, 8 та хостел сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, янги йилга яна 13 та, келгуси йилда 44 та янги меҳмонхона ишга туширилади.

Ингилишида туристларга хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни ошириб, янги иш ўринлари ташкил этиш, Термиз туманида "Сафари" туризм йўлга қўйиш, туризм соҳасида хизмат кўрсатаётган тадбиркорларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, исломий ва буддавийлик зиёрати туризмга хорижлик сайёҳларни кўпроқ жалб этиш учун тарғибот ишларини қучайтириш, сайёҳларнинг вилоятда кўпроқ қолиши учун янги туристик пакетлар ишлаб чиқиш каби масалалар кенг муҳокама этилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.



Шаҳарсозлик норма ва қоидаларини модернизация қилишда ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ТАЖРИБАСИ

Райҳона ХУЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" муҳбири.

Бугун жадаллик билан ривожланиб бораётган қурилиш индустрияси соҳа мутахассисларидан ҳам жаҳон стандартларига мос равишда фаолият олиб боришни талаб қилмоқда. Zero, беш йил аввалги қурилиш ҳажми, сифати ва кўлами билан ҳозиргисининг ўртасида катта тафовут борлигини бугун нафақат қурилиш соҳаси вакиллари, балки ҳар бир юрtdошимиз ҳис қилапти, десак муболаға бўлмайди. Айни пайтда мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим йўналиши сифатида қурилиш соҳасига катта эътибор қаратилиб, кенг имкониятлар яратилиши натижасида бунёдкорликда сезиларли даражадаги ривожланишларни қўриш мумкин.

Қурилишда сон эмас, энг аввало, сифат биринчи ўринда туришини ҳисобга олсак, бугун юртимизда тез суръатда барпо этилаётган ишоотларнинг келгуси авлодларга бекуму кўст хизмат қилишини таъминлаш долзарб вазифадир. Бунда қурилиш соҳасида қўлланилаётган техник меъёр ва нормативларнинг ҳам аҳамияти катта. Айни пайтда дунёнинг қурилиш саноти ривожланган мамлакатлари билан ҳамкорлик ўрнатилиб, соҳадаги тажрибаларни ўрганиш, керак бўлса уларни юртимиз қурилишларида қўллаш бўйича ҳам бир қатор амалий ишлар бажарилмоқда.

Хабарингиз бор, 2021 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳамда Корея Республикасининг Корея қурилиш ва технологиялар институти (KICT) ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини модернизация қилиш" лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сонли "Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 – 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ҳамда 2020 йил 13 мартдаги ПФ-5963-сонли "Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонларида белгиланган стратегик топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқда.

KICT ходимларининг Қурилиш вазирлиги қошидаги Қурилишда техник меъёрлаш марказига илк ташрифи чоғида бу борадаги мақсад ва вазифалар белгилаб олинган эди. Унда КМК 2.03.11-96 меъёрий ҳужжатининг "Кореялик мутахассислар талқинида" таҳлили ҳамда Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини 2022 – 2025 йиллар мобайнида модернизация қилиш бўйича "Йул харитаси" ишлаб чиқиш, мавжуд шаҳарсозлик нормалари базасидаги 250 та ШНКни оптимизацияси ва Корея



тажрибасига асосан қурилишнинг янги йўналишлари бўйича ШНК яратиш каби масалалар юзасидан фикр алмашилган. Хусусан, ихтисослаштирилган йўналишлар ва шаҳарсозликнинг янги йўналишлари, яъни, пассив уйлар бўйича, осмонўпар бинолар (высотные здания), осма кўприклар, ичимлик сув қувурлари, чиқинди сув қувурлари, автомобиль йўллари, яшил ва инновацион энергия самарадор бинолар, шамол генераторлари, қуёш – ёруғлик генерациясига ихтисослаштирилган технологиялар, смарт хаус (ақли уйлар) лойиҳаси ва технологияси ҳамда автоматроҳлар, ёнгин хавфсизлиги бўйича меъёрий ҳужжатга қўшимчалар, қурилиш жараёнида вақтинчалик муассасалар қуриш технологияси каби йўналишлар бўйича янги нормативлар ишлаб чиқиш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар билдирилган.

Юқоридаги таклифлар орасида Ўзбекистонлик мутахассисларнинг Кореяга ташрифи уюштирилиб, қурилиш соҳасидаги тажрибасини ўрганиш ҳам белгиланган эди. Шу боис, лойиҳа доирасида Қурилишда техник меъёрлаш марказининг 10 нафар мутахассиси Корея йилнинг 13-27 август кунлари Корея Республикасида малака ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида хизмат сафарига бўлиб қайтишди. Делегация аъзоларининг фаолияти KICT томонидан сермазнув ва юқори савияда ташкил этилган дастурга асосан амалга оширилди. Сафар давомида ишчи гуруҳи Кореянинг 20 га ақин дунёга танилган йирик компаниялари, ташкилот ва қурилиш объектлари билан яқиндан танишди.

Ташрифнинг илк кунинда институтда ташкил этилган семинарда лойиҳа менежери жаноб Ким Жеун Чо, KICT вице-президенти жаноб Ким Хеон Хун ва Корея халқаро пудратчилар уюшмаси вице-президенти жаноб Ким ҳамда делегация аъзолари иштирокида "Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини модернизация қилиш" лойиҳасининг биринчи босқичи яқунлари бўйича тақдимот намойиш этилди. Корея қурилиш стандартлари марказида ташкил этилган семинарда

эса "Корея қурилиш кодлари ва стандартлари" (Korea Construction Standards center and Korea Construction Standard codes) тўғрисида марказ мутахассиси Жу Еонг Геонг хоним томонидан тақдимот ўтказилди. KICT мутахассиси Жаноб Ок Чи Еолинг "Қурилиш сифатини назорат қилиш ва сертификатлаш" тўғрисидаги тақдимоти ҳам лойиҳа қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Ушбу тақдимотда баланд қаватли биноларни лойиҳалаш ва қуриш бўйича шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидаларини ишлаб чиқишда KICTнинг малакали мутахассисларини жалб қилиш масаласи муҳокама этилди. Шунингдек, KICTнинг "Йўлларни бошқариш бўйича интеграцияланган тадқиқот кластери" раҳбари Жаноб Ким Сеунг Хон томонидан намойиш этилган "Кореяда йўлларни бошқариш тизими" тўғрисидаги тақдимот ҳам мутахассислар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Делегация аъзолари KICTнинг экспериментал тарзда қурилган "Zero carbon house" лабораториясида ҳам бўлишиб, энергия самарадор қурилиш материаллари билан танишди. "Қурилиш конструкцияларини синаш лабораторияси" (The structural testing laboratory) га уюштирилган саёҳат ҳам қизиқarli бўлди. Лабораторияда "Қурилиш конструкцияларини муҳандислик илмий тадқиқот бўлими" катта мутахассиси Жаноб Ким Еунг Жин томонидан намойиш этилган кўрағамли тақдимотда йўл қурилишида ишлатиладиган узунлиги 40 метр бўлган темир-бетон тўсинини динамик кучлар таъсирида мустаҳкамлигини синаш бўйича эксперимент ўтказиш жараёни тушунтириб берилди. "Муҳандислик илмий тадқиқот бўлими" профессори бошчилигида ташқи ойналардан иссиқлик йўқолиши ва ойналарнинг табиий ёруғлик ўтказувчанлиги синов лабораторияси ҳамда ташқи тўсиқ конструкцияларда ишлатиладиган материалларни тавуш ва шовқиндан синаш жараёниларини ҳам кўрсатиб берилди.

Шундан сўнг, делегация аъзолари "Incheon Smart Operation center" (Инчеон ақли бошқарув маркази)да бўлишди. Бу ерда ақли шаҳар корпорацияси бошқарув ходими Эли Ошикава хоним

томонидан Инчеон халқаро аэропорти қурилиши билан танишгач, Инчеон эркин иқтисодий зонаси биносида бўлиб, шаҳар бошқарув тизими ҳақида ҳам батафсил маълумотга эга бўлдилар. Корея марказлаштирилган иссиқлик таъминоти (Korea district Heating Corporation) корпорациясида эса "Глобал бизнес департаменти" бош менежери раҳбарлигида бир қатор мутахассислар ишчи гуруҳ аъзоларини кутиб олиб, корхона фаолияти ва инфратузилмаси билан таништиришди.

Бугун Корея давлати ўзини қурилиш соҳасидаги улкан тажрибаси ва етук салоҳияти билан дунёга танилмоқда. Мамлакатдаги бир-бирдан фаройиб архитектуравий кўринишга эга ишоотлар, ақли шаҳарлар ва замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган йирик корхоналар улкан бунёдкорлик асоси бўлиб хизмат қилипти. Сеул шаҳридаги осмонўпар бинолардан бири – "Lotte World Tower" биносига Сеул университети профессори Ким Даеил бошчилигида ташриф буюрган делегация аъзолари ҳам шундай фикрга келган бўлса, ажаб эмас.

"Lotte World Tower" яъни, "Лотте дунё минораси" биноси Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида жойлашган. Унинг қурилиши 2009 йилда бошланиб, 2016 йил охирида ниҳоясига етказилган. 556 метр баландликка эга булган ушбу бино 123 қavatдан иборат. Делегация аъзолари ушбу баланд минорадан туриб, шаҳарнинг энг кўркам жойларини томоша қилишга муваффақ бўлишди.

Сеул университетининг "Ақли синфхона"сида бўлган делегация аъзолари миллий қурилиш стандартлари, Кореянинг янги шаҳарчалари ва туманларини ривожлантириш билан боғлиқ қурилиш тизимлари тўғрисидаги қизиқarli маърузаларни тингладди.

"Kyung Won Engineering Co.,Ltd" компанияси вице президенти профессор Леа Ван-Жаеннинг "Миллий қурилиш стандартлари тизимини яратиш жараёни ва унда тизимни ишлаб чиқувчининг роли", Даеил Университети Архитектура муҳандислиги бўлими профессори жаноб Квон О Схеолнинг "Кореяда ер

ва шаҳарсозлик бўйича миллий қонунлар тарихи", "Andus Engineering Co.Ltd" компанияси директори жаноб Хонг Сеок Кининг "Шаҳарларни ривожлантиришнинг бош режасини тузиш тартиби", "CNP DONGYANG GROUP" компанияси ходими жаноб У Вон Текнинг "Кўп қаватли биноларнинг структуралар тизими ва ғоялари" каби мавзулардаги маърузалар мутахассисларнинг қизгин муҳокамасига сабаб бўлди. Айниқса, "Кўп қаватли биноларнинг структуралар тизими ва ғоялари" мавзусидаги тақдимотда Кореяда юқори қаватли биноларни қуришда бино баланглигига ёки қаватлар сонига чеклов ёки лимит бор-йўқлиги ҳамда юқори қаватли бинолар учун алоҳида норматив ҳужжат мавжуд ёки йўқлиги тўғрисидаги маълумотлар барчага бирдек қизиқarli бўлди. Шунингдек, "Кўп қаватли биноларнинг лойиҳалаш стандартлари ва қурилиш тизимлари стратегиялари" мавзусида "HANIL Mechanical and Electrical Consultants Co.Ltd" (HIMES) компанияси бош директори жаноб Лее Жинёнунинг маърузаси ҳам барчага маъқул бўлди. Унда Корея норматив ҳужжатларида юқори қаватли бинолар оралиғидаги масофа белгиланмаганили, лекин оддий бинолар орасидаги масофа ҳужжатларда акс эттирилгани ҳақида маълумот берилди.

Бундан ташқари, Кореянинг Очанг шаҳрида жойлашган "Korea Confinity Laboratories" (KCL) (Корея мувофиқлик лабораториялари)га ташриф буюрган делегация аъзолари мудири Ким Сханг Хваннинг лаборатория йўналишлари бўйича ўтказган тақдимоти орқали комплекс ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишди.

– Кореяда шаҳарсозликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилади, – деди делегация аъзоси, Техник меъёрлаш марказининг Қурилишда халқаро нормалар, қоидалар ва стандартларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва жорий этиш бўлими бошлиғи Азизбек Нурмирзаев. – Юқори технологияли йўлдош шаҳарлар барпо этиш орқали мамлакатда демографияни бошқариш, ҳудудларни бир текис ривожлантириш яхши йўлга қўйилганини кўриш мумкин. Бунинг натижасида шаҳарлар ва қишлоқлар орасидаги тафовут йўқотилиб, йўлдош шаҳарлар катта шаҳарлар билан электрон бошқарув тизимига эга йўл-транспорт инфраструктураси орқали боғланган. Сафаримиз давомида Корея қурилиш соҳасидаги бу каби яна кўпلىб жиҳатларни ўргандик. Келгусида биз ҳам яратилаётган янги норматив ҳужжатларда ўрганганларимизни қўлаб, юртимиз бунёдкорлигини янада ривожлантиришни мақсад қилганимиз.

Кундан-кун соҳага жадаллик билан кириб келаётган янги технологиялар, нормативлар ва замонавий қурилиш материаллари туфайли ўсиб бораётган бунёдкорлик ишлари доимий ривожланиш талаб қилиши бор гап. Демак, соҳа бу борада хориж тажрибаси ва мутахассисларининг малакасига ҳам таянади. Жанубий Кореяга уюштирилган ушбу сафар ва ўрганилган тажрибалар ҳам келгусида ўз натижасини беришига ишонамиз.



ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов,
Юлдаш Магруппов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қўдратбек Хошимбеков.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир уринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Ақмал Маҳмамов**
Мусаҳиҳ **Марҳамат Муслимқуллова**

Газета "Ўзбекистон бунёдкори"
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ»
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги,
«Узсанотқурилишматериаллари»
уюшмаси, «УзГАСҲКЛИТИ» ДУК,
«УзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ,
«УзгеоангметЛИТИ» ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Ташкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар:
71-244-21-71 (кабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@mail.ru

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23,
90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-943.
1858 нусxada босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган қўлёзмалар
тақриз қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Ташкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
А. Ҳақбердиев.

Навбатчи – Р. Хўжаева.

Ўза якуни – 23.20.
Топширилди – 00.10.

“Cambridge school” янги бинода

Ҳилола ИСМАТОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" муҳбири.

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида 600 дан ортиқ ёшларни қамраб олиш имкониятига эга бўлган "Cambridge school" ўқув маркази биноси фойдаланишга топширилди. Таълим муассасасининг очилиш маросимида вилоят ва туман ҳокимлиги мутасаддилари, ёшлар ҳамда зиёлилар, кенг жамоатчилик иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёшларнинг таълим олиши учун олиб борилаётган ислохотлар самараси, яратилаётган имкониятлар ҳақида сўз юритди. Иштирокчилар янги қурилган марказдаги шароитлар билан танишишди, замонавий жиҳозланган хоналар кўздан кечилишти.



Таъкидлаш жоизки, "Cambridge school" ўқув марказида она тили, инглиз тили, рус тили, математика, физика, кимё, биология, тарих фанларидан абитуриентлар тайёрланади. Шунингдек, кичик ёшдаги болаларга ментал

арифметика, мантиқий фикрлаш, шахмат, мактабга тайёрлов сабоқлари ўқитилади. Малакали мутахассислар томонидан халқаро IELTS сертификатига тайёрлаш ишлари олиб борилиши назарда тутилган.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Давлат тест маркази хулосасига кўра, жорий 2022 ўқув йилида ОТМларга қабул кўрсаткичлари бўйича Навоий вилояти етакчилиги қилиб 13 997 нафар битирувчининг 5 598 нафари талабалikka қабул қилинган бўлса, шундан 730 нафари қизилтепалик ёшлардир. Фойдаланишга топширилган таълим

даргоҳи ўшбу кўрсаткичлар сонини янада ортиқчи, билимий ёшлар сафи ошишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, ўқув маркази ишга тушиши муносабати билан 20 та янги иш ўрни яратилди.

ТУТИЛГАН КҮНИНГИЗ МУБОРАК БҮЛСИН!

Сентябрь ойининг шу кунларида таваллуд айёминини нишонлаётган

Жиззах вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Ижро интизоми ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича мутахассиси **Чарос Джурбаева,**

Самарқанд вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи мутахассиси **Меҳридин Ражабалиев,**

Хоразм вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Наримон Кенжаев**ларни таваллуд қилиш билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узок умр, оилавий хотиржамлик, мустақкам соғлиқ тилаймиз!